

## Талаба-қизлар билан учрашув

Жорий йилнинг 26 сентябрь куни 4-сонли талабалар турар жойида яшаётган талаба-қизлар билан учрашув ташкил этилди. Тадбирда ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Р. Чориев, ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари Х.Тўйчиев, тарбиячи-педагог А.Ҳайтова, ТТЖ директори И. Бухоров иштирок этди. Суҳбат давомида ТТЖ да яшаш қоидалари, одоб-ахлоқ, кийиниш маданияти, ўзи яшаб турган хона ва қаватларни кўз-қорачиғидай асраб-авайлаш зарур эканлиги айтиб ўтилди. Шу ўринда қизларни қийнаётган муаммолар, камчиликлар ҳақида тўхталиб ўтилди. Қизларимиз Раъно Жумабаева раҳбариятимизга ҳамда ректор проф. Ў.Умрзоқовга барча қизлар номидан миннатдорчилик билдириб бизга шунақа шароит яратилиб берганидан хурсандчилигини изҳор қилишди. Р. Чориев талабалар турар жойида талабаларни бош вақтларини мазмунли ўтказиш учун янада чиройли шароитлар яратиб бериши ҳақида таъкидлаб ўтдилар.



**Институт Матбуот хизмати раҳбари Р. Жуманиёзов**